

10. Шавкат Раҳмон. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б. 31-33.
11. Эшқобил Шукур. Ҳамал айвони. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б. 38.
12. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилдлик. 1-жилд. – М.: Русский язык, 1981. – Б. 534.
13. Қодиров М. “Авесто” ва томоша санъатлари. “Авесто ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни” мавзuidaги халқаро илмий конференция материаллари. – Т.: Фан, 2001. – Б. 44.
14. Ҳожиёва О. Паноҳим. Шеърлар ва ҳикоялар. – Тошкент: Шарқ НМК, 1998. – Б. 23.

УДК: 821.512.133

МАҲМУД ШАБУСТАРИЙ ОРИФ ҲАҚИДА

РАЗМЫШЛЕНИЯ МАХМУДА ШАБУСТАРИ ОБ «АРИФАХ»

MAKHMUD SHABUSTARI'S THOUGHTS ABOUT ARIF

Латипов Ҳаёт Рамазонович

БухДУ ўзбек адабиёти кафедраси таянч доктранти

Таянч сўзлар: истилоҳ, пир, ориф, маъруф, маърифат, мушоҳада, кашф, муҳаббат, комил инсон.

Ключевые слова: появление, пир, ариф, маъруф, просветление, наблюдательность, открытие, любовь, идеальный человек.

Key words: term, master, arif, science of religious, maintenance, discuss, discover, love(to Lord(Allah)), ideal person.

Ушбу мақола Шарқ мумтоз адабиётида ўзига хос мавқега эга бўлган ориф образининг тасаввуф адабиётига кириб келиш тарихи ва орифнинг маънавий-руҳий олами хусусида мутасаввифларнинг мулоҳазалари ҳамда Шайх Маҳмуд Шабустарийнинг “Гулшани роз” асарида орифона ғояларга берилган муносабатлар моҳиятига қаратилган.

Данная статья посвящена рассмотрению образа «арифа» в классической литературе Востока. Также в статье приведены взгляды мыслителей о духовном мире арифов, в частности, Шейха Махмуда Шабустари в произведении «Цветник таинств».

In this article it is written about the hero Arif in Oriental classic literature and entering its into Sufism and the spiritual-psychological world of Arif in Sufism and his discussion with Sufist scientist Sheikh Makhmud Shabustari “Gulshaniraz(The Garden of Secrets)”. His scientific views about this hero is given here.

Кириш. Шарқ ислом мутафаккирлари орасида алоҳида бир мавқега эга бўлган Маҳмуд Шабустарий 687 ҳижрий – милодий 1289 йилда Табриз яқинидаги Шабустар кентида туғилган. Унинг тўлиқ номи Шайх Саъдуддин Маҳмуд бин Аминиддин Абдулкарим бин Яҳё Шабустарийдир. Хайёмпурнинг “Фарҳанги суҳанварон” номли китобида қайд этилишича, йигирмадан ортиқ илмий ва адабий манбаларда Шабустарийнинг ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар баён этилган [6,7;8,4-5;2,57-60].

Маҳмуднинг ёшлигиданок шеър, адабиёт, айниқса, тасаввуфга меҳри ва иштиёқи жуда баланд бўлган. У бошланғич маълумотни туғилган маскани Шабустарда олган. Кейинчалик, ўша даврнинг машҳур мутасаввиф олимлари Баҳоддин Ёқуб Табризий, Ҳофиз Ҳусайин Карбалоийларнинг қўлида тарбия топган. Шабустарийнинг “Гулшани роз” асарида бу ҳақда шундай байтлар бор:

*Шайх ва устои ман Аминиддин,
Доди ул-ҳақ жавобҳойи чунин.
Ман надидам дигар чунон устод,
Ки офарин бар равони покаш бод [6,7].*

Мазмуни: Менинг шайх ва устозим Аминиддин. У менга азал сирларидан кўп сабоқлар берди. Унинг покиза тариқат йўлига офарин.

Шабустарийнинг эътироф этишича, илму маърифатини бойитиш учун у Шарқнинг бир қанча ўлка ва шаҳарларини кезган:

*Муддати ман зи умри хойиш мадид,
Сарф кардам ба дониши тавҳид.
Дар сафарҳо ба Мисру Шому Ҳижоз,
Кардам, ай дўст, рӯзу шаб тику тоз.
Солу маҳ ҳам чу даҳр мегоштам,
Дех-деҳу шаҳр-шаҳр мегоштам...
Уламо ва машойихи ин фан,
Баски дидам ба ҳар навоҳи ман.
Чамъ кардам баса каломи ғариб,
Кардам онки мусанаффоти ажиб [6, 5].*

Мазмуни: Мен умрни ўткинчи орзу-ҳавас майлларига эмас, тавҳид илми сирларини англашга сарфладим. Эй дўст, Миср, Шом, Ҳижозга сафар айлаб, туни кун елиб югурдим. Ойлаб, йиллаб дунё кездардим. Қишлоқма қишлоқ, шаҳарма шаҳар юрардим... Жуда кўп машойихлар, уламолар билан учрашдим. Уларнинг пурмаъно суҳбатлари, ҳикматли сўзларини тинглаб, илоҳий илм асрорини қалбимда жамладим. Ва ниҳоят ўзим ҳам булар ҳақида асарлар ёзишга киришдим.

Шабустарий "Гулшани роз"дан аввал "Ҳаққул-яқин" ("Ишончли ҳақиқат"), "Рисолаи шоҳид" ("Шоҳид ҳақида рисолалар"), "Миръот ул-муҳаққиқин" ("Орифлар кўзгуси") ва "Минҳож ул-обидин" ("Тақводорлар йўли") каби асарларни ёзган. Лекин унинг номини дунёга машҳур қилган китоб "Гулшани роз" бўлган [6, 6; 7, 4; 2, 57-58].

Буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий бу ҳақда "Насойим ул-муҳаббат"да шундай дейди:

"... Яна "Шоҳид"дурки, ул ҳам ишорат аҳли тили билан маориф баён қилибдур, ул дағи таърифдин мустағнийдур. ... Яна "Гулшани роз"дурким, ҳам зоҳир аҳлининг рангину пуркор маснавийлари ва ҳам ҳақиқат аҳлининг ширину файзосор сўзларида андин равонроқ ва пурчошнӣроқ ва шўрангизроқ ва шавқомизроқ назм айтса бўлғайки, йўқдур! [4, 466-467; 2, 57-58]

Дарҳақиқат, "Гулшани роз" фақат тасаввуф аҳлининг эмас, балки сўфийлик ва ирфон сир-асрори билан қизиққан, деярли барча табақадаги ўқувчилар эътиборини жалб эта олган бетакрор асардир. Шабустарийнинг ҳаёти ва адабий меросини тадқиқ этган олим Орифи Сайёр келтирган маълумотларга кўра, Соҳибқирон Амир Темур Мавлоно Жалолиддин Румийнинг "Маснавий"си билан бир қаторда "Гулшани роз"ни ҳам иштиёқ билан мутолаа қилгани, айниқса, бу асардан беҳад завқ олгани ва унинг шарофатидан Озарбайжонга қўшин тортганида, Маҳмуд Шабустарийнинг ватани бўлгани учун ҳам Шабустар кентини четлаб ўтганини айтади [6, 19-20; 7, 4; 8, 4-5; 2, 57-58].

"Гулшани роз"да илгари сурилган ирфоний ғоялар остида бир қанча нодир китоблар яратилган. Асарни турк тилига ўгирган олим Абдулбоқий Гулпинорлининг айтишича, Имади Фақийнинг "Мисбаҳ ул-ҳидойё", Иброҳим Теннурийнинг "Гулзорнома"си шундай китоблардандир. "Гулшани роз" нафақат шарқ олимлари, балки ғарб олимлари эътиборини ҳам ўзига қарата олган асар бўлиб, у араб, турк, урду тилларига таржима қилиниши билан бир қаторда инглиз, олмон ва рус тилларига ҳам ўгирилган [6, 19-20; 7, 4; 8, 4-5; 2, 57-58].

Шабустарийнинг ушбу манзумаси ҳажман кичик бўлса ҳам, моҳият эътибори билан теран асардир. У ҳижрий 717, милодий 1319 йилда, Амир Ҳусайн Табризийнинг талаби билан Амир Ҳусайн Ҳиравийнинг саволларига жавоб тарзида яратилган. Ўшанда шоир чамаси 30 ёшларда бўлиб, илму ирфонни мукаммал эгаллаган ва юксак маънавий мақомларга эришганди. Бунини муаллифнинг:

*"Гузашта ҳафт ва даҳ аз ҳафтсад сол,
Зи ҳижрат ногаҳон дар моҳ савол [6, 8].*

Яъни, ҳижрий 717 йилда, кутилмаганда, манга савол йўлладилар", -сўзларидан ҳам англаса бўлади.

Асосий қисм. Ҳусайн Ҳиравий йўллаган саволлар анча вақтлардан буён баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келаётган ориф, маъруф, Анал-ҳақ, ваҳдат, касрат, сайру сулук, шароб, шамъ, кўз, лаб, зулф, хат, хол, куфр, бут, бутпараст, зуннор, тарсо, тарсобача, харобот каби ирфоний тушунча ва истилоҳлар мазмун-моҳиятига қаратилган бўлиб, булар

Шабустарийни орифнинг маънавий-руҳий камоли – ҳоли ва орифлик мақоми ҳақида чуқур мулоҳазалар юритишга ундаган эди.

Ориф сўзи аслида арабча бўлиб, исломгача бўлган даврда ҳозирги маъносига қараганда бошқача маъноларда қўлланиб келинган. Чунончи, қадим даврларда араблар жамоа ва ташкилот бошлиқлари, амир ва қўмондонни “ориф” дейишган. Араб қабилаларида орифлар қabila раисларидан кейинги нуфузли ўринда туришган. Пайғамбар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам замонида урушларда орифлар қўмондон сифатида фаолият кўрсатганлиги Мовардийнинг “Ал-аҳком ал-султония” асарида қайд этилган. Аббосийлар даврида эса ўн кишидан иборат аскарний гуруҳ раҳбарларига “ориф ал-аъло”, юзбошиларга эса “ориф ал-мио” дейилган экан [3, 76-77].

Ориф атамаси исломгача ва исломнинг дастлабки давларида кўпроқ раҳбарлар ва ҳарбий амалдорларга нисбатан қўлланган бўлса, замонлар ўтиши билан бу калима асл маъноларидан узоқлашиб борган. Кейинчалик у шариат маҳкамаларида интизомни муҳофаза қиладиган кишиларга, қabila оқсоқолларига, талабалар дарсларини назорат этувчи юзбошиларга ва ҳаттоки меъморларга нисбатан ҳам ишлатилган. Демак, кўп асрлар давомида бу сўз асосан раҳбарлик, назоратчилик ва ҳарбий соҳа вакилларига нисбат бериб келган

Шундай экан, ўринли савол туғилади: “Тасаввуф таълимоти ва адабиётига “ориф” атамаси ҳамда ориф образининг кириб келишига нима сабаб бўлган?”

Тасаввуфга тегишли китобларда келтирилишича, маъно аҳли илми икки турга ажратишган. Булардан биринчиси зоҳирий илм (қол илми) – ўқиш ва ўрганиш йўли билан ўзлаштириладиган илм бўлиб, толиб уни ўқиш ёки эшитиш орқали қўлга киритиши мумкин. Иккинчиси ботиний илм (ҳол илми) бўлиб, талаб аҳли унинг қалбида ҳифз этиши учун пир йўл-йўриқларига биноан ранжу риёзатлар чекиши, машаққатлар тортиб, маълум бир мақомларни эгаллаб бориши керак бўлган. Мурид пир раҳнамолигида тавба, вараъ, зуҳд, фақр каби босқичларда кўтарилиш жараёнида маълум руҳий ҳолатларга ҳам юксалган. У муҳаббат, қурб, унс каби руҳий ҳолларда юксалгач, Оллоҳни мушоҳада қиладиган ғайб пардалари очилиб [1, 32] Тангри асроридан воқиф бўла бошлаган, яъни орифнинг ҳолини кашф этиб, орифлик мақомига эришган.

Тасаввуфнинг дастлабки давларида “ориф” атамаси толиб ва муриднинг феъл-атворини назорат қилиб тургувчи илоҳий маърифат сирларидан хабардор бўлган ана шу раҳбар ва кузатувчиларга нисбатан қўлланган. Бундай раҳбарлик вазифаси маърифат эгаси бўлган алоҳида зотларгагина ишониб топширилгани учун барча ирфон эгалари орифлар деб юритила бошланган.

Демак, ориф тасаввуф адабиётига дастлаб ирфоний истилоҳ сифатида кириб келган. Кейинчалик вақтлар ўтиши билан етакчи образга айланиб, ўзига хос мавқега эга бўлган.

Ориф – билгувчи, воқиф, ошно, танигувчи, англайдиган, тушунчалари мукамал ирфон соҳиби демак. Оллоҳ таоло ўзининг зоти, сифатларини, исмларини мушоҳада эттирган киши орифдир. Кашф ва мушоҳада йўли билан, яъни маънавий-руҳий тажрибалар ила Оллоҳ тўғрисидаги завқий ва ваздий илмларга соҳиб бўлганларга орифи биллоҳ ёки ориф дейилади. Ориф сўфийлар наздида комил инсондир. Орифлар учун аҳли дин, аҳли яқин, вали, кутб, айниқса, орифи биллоҳ таъбирлари қўлланилган [5, 52-53].

Маҳмуд Шабустарий орифлик мақоми ва ҳоли ҳақида сўз юритар экан, ўзидан олдин яшаб ўтган ҳамда ўз замондошлари бўлган машҳур мутассавиф-алломаларнинг фикр-мулоҳазаларини эътибордан четда қолдирмайди. Билъакс, уларга таяниб фикр юритади.

Жунайд (Бағдодий) дейдики, орифликнинг боши барча илмларни Аллоҳдан деб билишдир, киши “ўзи эгаллаган илмларни ҳам Ҳақ камолининг ифодаси одам илмини эса нисбий, нуқсонли ва Аллоҳ илмига нисбатан тўлишиб борадиган” дея ҳисоблашдан бошланади [1, 279-280].

Бу ҳақда Гулшани роз”да қуйидаги сатрлар бор:

*Дигарбора дар ў гар нест таъйид,
Ҳар оина, ки бошад мағзи тақлид...*

*..Ҳар он касро, ки Эзад роҳ нанмуд,
Зи истеъмоли мантиқ ҳеч накшуд [8, 83].*

Мазмуни: Агар Оллоҳдан бир мадад бўлмаса, зоҳирӣ тартиб-қоидаларга зўр бериб амал қилсанг ҳам, кўнелинга ҳеч бир моҳият касб этолмайсан. Яъни, Яратганини ўзи қалбинга назар солмас экан, зоҳир илми билан маърифатга асло эришолмайсан.

Шабустарий илм ва унинг хусусиятлари ҳақида мулоҳазасини баён қиларкан, илмнинг бир бутунликдаги умумий кўриниши(қол илми + ҳол илми) – ирфон илмини данакка қиёс этса, алоҳида хусусий кўриниши жиҳатдан қол илмини – “данакнинг пўсти”, ҳол илмини – “данакнинг мағзи” деб атайди. Шу билан бирга уларнинг умумийлик ва хусусийлиги, ўхшаш ва зид томонлари, афзаллик даражаларини мумкин қадар мукаммал тавсифлашга ҳаракат қилади. Чунончи, шоир айтади:

*Зи ҷавзаш қишри хушк афтод дар даст,
Наёбад мағз ҳар кас, пўст нашкаст.
Аз ин ҷо боздон, аҳволи аъмол,
Ба нисбат бо улуми қол бо ҳол
На илм аст он ки дорад майли дунё,
Ки сурат дорад, аммо нест маъно.
Нагардад илм ҳарғиз ҷамъ бо оз,
Малак хоҳӣ, сағ аз худ дур андоз [8, 115].*

Мазмуни: данакнинг пўстини синдириб мағзни олмагунча мақсад ҳосил бўлмаганидек, илмларни эгалламагунча ирфон илми асрорини англай олмайсан. Яъни, орифлар мақомига эришиб, гўзал Ҳурлиқо(Оллоҳ) жамолини қалб оинасида кўрмоқ истасанг, маърифат нурлари ила маънавий-руҳий оламнинг мунававар қил. “нафс” деб аталмиш итти кўнгли хонасидан ҳайда. Унинг майллари қутқуси ва таъмасидан буткул қутулгин.

Шабустарийнинг наздида бутун олам – Аллоҳ нурининг зухурланиши эрур. Ҳақнинг кўринмаслиги шу нурда яширин эканлигидир. Яъни Оллоҳ ўзини борлиққа таҷассум этган. Оламнинг сиру асрори, илму ҳикмати, ҳислат ва хусусиятлари, қонуниятлари Унинг таъзаҳуридир. Шоир айтади:

*Надонстӣ касе к-ин партави ўст,
Набудӣ ҳеч фарқ аз мағз то пўст.
Ҷаҳон ҷумла фурӯғи нури Ҳақ дон,
Ҳақ андар вай пайдоист пинҳон [8, 83-84].*

Мазмуни: Киши билмайдикӣ, бутун олам Оллоҳ жамолидан таралган нур маҷмуасидир. Ушбу нур Ундан келиб, Унга қайтур. Яъни, фақат У бордир, борлиқ Унинг сояси бўлиб, У ўз сояси ортида яширингандир.

Орифларнинг айтишларича, Тангри дунёнинг ҳамма жойида мавжуд. Шундай экан, инсон уни ўз борлигидан ташқарида излашига ҳожат йўқ. Орифлик мақомига кўтарилмоқни ният қилган толиб дастлаб ўзига, сўнг ўз атрофидаги нарса ва ашёларга боқиб, Худонинг сифотларини таниш, англаш маърифатини тўла эгаллаши шартдир. Аксинча, илми ирфондан беҳабар кишилар бу йўлда ўз бошларига ташвиш орттиришдан бошқасига ярамайдилар. Уларнинг Асл манзилга эришиш илинжида чеккан риёзати, ғайрати ва барча хатти-ҳаракатлари беҳабар кечади. Чунончи, Шабустарий айтади:

*Зиҳӣ нодон, ки ў хуршиди тобон,
Ба нури шамъ жўяд дар биёбон.
Касе, к-ў ақли дур андеш дорад,
Басе, сарғаштағӣ дар пеш дорад [8, 83].*

Мазмуни: маърифатдан беҳабар одам қоронғида шам тутиб, даштдан қуёш излаган нодонга ўхшайди. Кимки фақат идрок илми билан Оллоҳни излашга жаҳд қилса, у ўз бошига битмас балолар ёғдиришдан нарига ўтолмайди.

Абу Наср Сарроҷ (IX-X)га кўра: “Мўмин билан орифнинг орасидаги фарқ шундидир: мўмин оламга Оллоҳ нури билан боқади, ориф эса Оллоҳнинг ўзи ила назар ташлайди. Мўминнинг қалби бордир. Орифники йўқ. Мўминнинг кўнгли зикри

илоҳий ила ором олади, ориф эса Оллоҳдан бошқа ҳеч нимадан роҳатланмайди” [9, 83-84].

Шабустарий ҳам орифларда кечадиган бу мўътабар туйғуни шундай таъриф этган:

*Дили ориф шуносойи вучуд аст,
Вучуди мутлақ ўро дар Шухуд аст.
Ба чуз ҳастӣ ҳақиқӣ аст нашнохт,
Ва ё ҳасте, ки ҳастӣ пок дарбохт* [8, 102-103].

Мазмуни: орифнинг қалби Мутлақ – жамол кўзгуси, сиру асрор мазҳари. Ориф оламга қалб кўзи билан назар ташлар экан, фақат мутлақ борлиқни – Ҳақни кўради. Яъни, орифни моддий борлиқ талаблари ва хусусиятлари унчалик қизиқтирмайди. Чунки унинг қалби ва руҳияти Оллоҳга доимий қаратилгандир.

Шунинг учун ҳам Абу Туроб Нахшабий орифнинг фазилатлари ҳақида фикр юритиб, “Ҳеч бир нарсдан кирланмайдиган ва ҳамма нарсани ўзи ила поклайдиган кишидир ориф”, - деган эди [9,83].

Демак, ҳар қандай ҳолат ва шароитда ҳам қаҳрни – меҳрга, зулмни – адолатга, жоҳилликни – маърифатга, нафсни – фаросатга таслим этиш, орифнинг хос хусусиятидир.

Орифларга хос ушбу ибратли фазилатлар ҳақида Шабустарий ёзади:

*Усули хулқи нек омад адолат,
Пас аз вай ҳикмату иффат, шуҷоат.
Ба иффат шаҳвату худ карда мастур,
Шараҳ ҳамчун ҳамуд аз вай шуда дур.
Адолат чун шиори зоти ў шуд,
Надорад зулм, аз он хулқаш накў шуд* [8, 32].

Мазмуни: барча олий фазилатлар – шиҷоат, иффат, адолат, гўзал хулқ кабилар орифнинг зотига илоҳий кўркдир. Шу сабабдан ҳам у ич-ичдан нурланиб боради. Ношойиста хислатлар унинг ёнига яқинлаша олмайди. Бировга зулм қилмаслик, ҳаммага бирдай адолат кўрсатиб, оламга меҳр-муҳаббат нурларини таратиш унинг азалий шиори, қарори ва бароридир.

Тасаввуфда тариқат аҳллари учун турли мақом ва вазифалар белгиланган бўлиб, энг сўнгги мақом орифлар мақомидир. Сиём (парҳез) тутиш, қиём (қойим) туриш ва доимий муроқабага киришиб, жаҳондаги монелик (тўсиқ, парда)лардан кўнгилни покизалашга эришиб, орифлик мақомининг талаби ҳамда орифнинг бардавом бажариб борадиган ибратли амали бўлган.

“Гулшани розда” ушбу жаҳоний монеъликларнинг номлари бирма бир келтирилган ва уларни бартараф этиш чоралари (йўриқлари) хусусида сўз юритилар экан, талаб аҳлини йўл қийинчиликларига бардош бера оладиган даражада тайёргарлик кўришга ҳамда орифлик мақоми ва ҳолига муносиб бўлишга чорлайди:

*Мавоней чун дар ин олам чаҳор аст,
Таҳорат кардан ҳам аз вай чаҳор аст.
Нахустин покӣ аз аҳдосу анҷос,
Дувум аз маъсият в-аз шарри ваввос.
Сеюм покӣ аз ахлоқи замим аст,
Ки бовай одамий ҳам чун баҳима-аст.
Чаҳорум покии сир аст аз ғайр,
Ки ин чор мунтаҳӣ мегардадат сайр* [8,103].

Мазмуни: шуни билгилки, дунёвий монеликлар тўрттадир. Уларни орифларга хос тарзда бартараф қилиш йўл-йўриқлари ҳам тўрттадир: биринчиси танингени ва тўнингени ҳамиша тоза тутмоқ, иккинчиси юрагингени пок тутмоқ, учинчиси бузуқ хулқ ва ахлоқдан – ҳайвоний хислатлардан ўзни ҳимоя этмоқ, тўрттинчиси тилни тийиб билиш – сир тутиш демакдир.

Шабустарийнинг эътироф этишича, чин орифнинг мақсад ва матлаби битта – Аллоҳга, Маъшуқи азалнинг жамоли ва висолига иштиёқмандлик, одам ва Оллоҳ муносабати хусусида мушоҳада юритиш демакдир. Яъни, фоний ва боқий дунё ҳузур ҳаловати ҳамда охират завқи ва мукофоти истакларидан кечиб, давомли муроқаба

ила покланган кўнгилни, Тангри даргоҳига муносиб даражада ҳозирламоқдир. Чунончи, шоир айтади:

*Вучуди ту ҳама хор асту хошок,
Бурун андоз аз худ чумларо пок.
Бирав, ту хонаи дилро фурӯ рӯб,
Муҳайё кун мақому ҷойи Маҳбуб.
Зи ҳастӣ то бувад боқӣ барӯ шайн,
Наёбад илми ориф сурати айн [8, 103].*

Мазмуни: тану жонингени дунёвий тўсиқлар, бандлардан озод қил. Кўнгил хонасини хору хаслар(дунёвий ва уқбовий хоҳиш ва қизиқишлар, монеликлар)дан жаҳд ила поклаб, ҳақиқий дўстга – Мутлақ жамол соҳибига ҳозирла. Шунин билиб қўйки, агар қалб уйда бу хору хаслардан бир заррача қолса, Оллоҳ унга назар солмайди. Орифлик мақомига эришолмайсан.

Хулоса. Хуллас, орифлик мақомига юксалиб, Оллоҳнинг зоти, сифоти, исми ва феълларини мушоҳада этмоқ ҳузурига ҳамма ҳам бирдай эришавермаган. Талабгорлар жуда кўп бўлган. Бироқ уларнинг аксарияти турли қийинчиликлар ва машаққатларга дош беролмай, йўлнинг ярмидан ортига қайтган, йўлдан адашган ёки йўлнинг маълум бир водийида қолиб кетганлар. Ушбу мушкул синовлардан ўтиб, сараланган кишиларгина кўзланган асл манзилга – орифлик мақомига етиб келганлар.

Маҳмуд Шабустарийнинг “Гулшани роз” асари мана шу сермашаққат йўлдан юриш одоби, талаб ва қоидалари, Асл манзилга эришганлар – орифлар ҳузури, ҳол ва мақоми хусусида баҳс юритар экан, талаб аҳлини ахлоқан покланиб маънан юксалишга, яъни асл манзил ва мақсад иштиёқида яшашга илҳомлантириб келаётган ўзига хос бетакрор асардир.

АДАБИЁТЛАР

1. **Комилов Н.** Тасаввуф. – Т.: Мовароуннаҳр-Ўзбекистон, 2009. – 447 б.
2. **Латипов Ҳ.** “Маҳмуд Шабустарий ва унинг Гулшани роз” асари ҳақида //Ўзбек тили ва адабиёти. 2011. - №4. – Б. 57-60.
3. **Муродова Д.** Ориф образи ҳақида мулоҳазалар //Ўзбек тили ва адабиёти. 2003. - №2. – Б. 76-77.
4. **Навоий А.** Насойим ул-муҳаббат. МАТ, 17-жилд. – Т.: Фан, 2001. – 518 б.
5. **Uludağ S.** Tasavvuf terimleri sozlugu. – Istanbul: 1995. – 604 s.
6. **Шабустарий М.** Гулшани роз. – Техрон, 1952. – 135 б.
7. **Şebusteri.** Gulsen-i raz. – Istanbul: Sark-Islam Klasiklari, 1989. – 127 s.
8. **Шабустарий М.** Гулшани роз. Жамол Камол таржимаси. – Т.: Тамаддун, 2013. – 143 б.
9. **Ҳаққул И.** Ирфон ва Идрок. – Т.: Маънавият, 1998. – 159 б.

УДК: 82.09

ЕВГЕНИЙ ЗАМЯТИННИНГ "БИЗ" РОМАНИДА АНТИ-УТОПИК МОТИВЛАР АНТИ-УТОПИЧЕСКИЕ МОТИВЫ В РОМАННОМ ДИСКУРСЕ ЕВГЕНИЯ ЗАМЯТИНА «МЫ»

ANTI-UTOPIC MOTIVES IN THE NOVEL OF EVGENIY ZAMYATIN "WE"

Темирова Джамила Хасановна

ст.преподаватель кафедры русского языка и литературы БухГУ

Таянч сўзлар: утопия, антиутопия, дистопия, субгенер, ҳақиқат, идеал, мафкура, илмий ва техник тараққиёт, оддий кундалик фикрлашни механизациялаш, техниклик.

Ключевые слова: утопия, антиутопия, дистопия, субжанр, действительность, идеалы, идеология, научно-технический прогресс, машинизирование обыденно-бытового мышления, техницизм.

Key words: utopia, antiutopia, dystopia, subgenre, reality, ideal, ideology, scientific and technical progress, the mechanization of ordinary everyday thinking, technicalism.